

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАММЕДОВА НИЛУФАР ЭЛИБОЕВНА

**МАРГАРЕТ ДРЭББЛ АСАРЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОЙ МАҚОМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
бўйича автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Мухаммедова Нилуфар Элибоевна

Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва унинг ижтимоий
мақомининг ўзига хослиги3

Mukhammedova Nilufar Eliboyevna

Image of a woman in Margaret Drabble's novels and peculiarities of her
social status25

Мухаммедова Нилуфар Элибоевна

Образ женщины в произведениях Маргарет Дрэббл и своеобразие её
социального статуса45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАММЕДОВА НИЛУФАР ЭЛИБОЕВНА

**МАРГАРЕТ ДРЭББЛ АСАРЛАРИДА АЁЛ ОБРАЗИ ВА УНИНГ
ИЖТИМОЙ МАҚОМИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.2.PhD/Fil142 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Лиходзиевский Анатолий Степанович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Назаров Бахтиёр Аминович**
филология фанлари доктори, профессор, академик

Хошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21)

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ кун тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., профессор

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида эришилган сўнгги ютуқлар бадий онг ва бадий тафаккурнинг янги қирраларини ўрганишда намоён қилмоқда. Образ адабиётда ҳаётни ўзига хос бадий шаклда акс эттирган манзара ва характерлар билан ифодаланади. Бу мураккаб жараёнда ижодкорнинг эстетик идеали, дунёқараши, руҳий олами, ғоявий позицияси ва ижодий тажрибаси етакчилик қилади, воқелик шу асосда қайтадан жонланади, образли тасвирга эга бўлади ва адабиётда ҳар бир образ инсонга йўл кўрсатади. Адабиётшуносликнинг воқеликни образлар воситасида акс эттириши унинг ижтимоий вазифаси, тарбиявий кучи ва йўналтирувчанлик қудратини белгилайди. Ёзувчи ўзи яратган образларни ҳаётини қонуният, санъат ва адабиётдаги қонуниятлар воситасида бошқариб боради.

Бугунги кун дунё адабиётшунослигида аёл образининг тасвирланиши муҳим мавзулардан бири сифатида ўрин эгаллади. XX асрнинг 2-ярми даврида яратилган асарларда аёл образига алоҳида урғу берилди ва замонавий жамиятда унинг ўз ўрни бор эканлиги намоён бўлди. Аёл образи бош қаҳрамон сифатида тасвирланди, унинг шахс сифатида ўзига хос олами кўрсатиб берилди. Замонавий инглиз ёзувчиси Маргарет Дрэббл прозасида аёл мавзуси етакчи ўринни эгаллайди. Бугунги кунда адиба романларида кўтарилган муаммолар, унинг бадий услуби, асарларда тасвирланган рамзларнинг моҳияти, тарбиявий роман жанрининг хусусиятлари, образнинг хулқ-атвори психологиясининг ёритилиши ва аёл образининг жамиятда эгаллаган ижтимоий мавқеи, аёлнинг замонавий инглиз жамиятига хос бўлган маданияти мавзуларида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг янги босқичида юртимизнинг бутун дунё ҳамжамиятига қўшилишини, ривожланган давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий-техник, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилишини тақозо этди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича «Ҳаракатлар стратегияси»нинг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» ва «Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» тўғрисидаги ақлан ривожланган мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш, миллий ифтихор, ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш айна пайтдаги давр талабидир»¹. Ёшларни ватанпарвар руҳда ва ўз даврининг фаол вакиллари сифатида тарбиялашда адабиётнинг ўрни чексиздир. Адабиётда бош мавзулардан бири ҳисобланган – аёл мавзуси эса ёш авлод вакилларини ўзлигини англашга, жамиятда ўз ўрнини топишга бўлган мақсадни шакллантиради. Ўзбек адабиётида аёл мавзусига бағишланган бир неча илмий-тадқиқот ишлари яратилган. Шунга қарамасдан Европа адабиёти, хусусан инглиз романларидаги аёллар муаммосига бағишланган илмий

¹ Мирзиёев Ш.М. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. №28.

тадқиқотлар бўлмаган. Шунинг учун Маргарет Дрэбл романларининг бош мавзусини ўрганиш, ёзувчи ижодида яратилган аёл образининг турфа хиллиги ва унинг ижтимоий мақомига бағишланган изланишлар муҳим ҳисобланади. Маргарет Дрэбл романларида тасвирланган ҳозирги замон аёл образини ва унинг ижтимоий мақоми масаласини ўрганиш илмий нуқтаи назардан тадқиқотимизнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маргарет Дрэбл ижодини ўрганиш масаласи хорижда кўплаб адабиётшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, В.Майер, Э.К.Роуз, Дж.Крейтон, Н.Стовел, Н.Бокат, Дж. Ханни, Я.Воджик-Эндрюс, Б.Амодио, Р.Сейлорс, М.Шабка, Э.Стефенс, Д. Щмит, М.Моран, С.Роксман² каби Ғарб адабиётшунослари эса Маргарет Дрэбл ижодига бағишланган монографияларни ва илмий мақолаларни эълон қилдилар. Таниқли адабиётшунос ва танқидчи В.Ивашева «Что сохраняет время. Литература Великобритании, 1945-1977» (1979), «Литература Великобритании XX века» (1984), «Судьбы английских писателей» (1989)

²Myer V.G. Margaret Drabble: A Reader's Guide. London: Vision Press, 1991. – 174 p; Myer V.G. Margaret Drabble: Puritanism and Permissiveness. London: Vision Press; New York: Barnes & Nobles, 1974. 200 p; Rose E.C. Critical Essays on Margaret Drabble. G. K. Hall & Co, 1985. – 205 p; Rose E.C. The Novels of M. Drabble: Equivocal Figures. London: Macmillan; Totowa, N.J: Barnes & Nobles, 1980. – 141 p; Creighton J.V. Margaret Drabble. Methuen & Co. Ltd, 1985. – 127 p; Stovel N.F. Margaret Drabble Symbolic Moralists. Starmont House, Inc, 1989. – 224 p; Bokhat N.S. The Novels of Margaret Drabble “this Freudian family nexus”. PETER LANG, 1998. – 274 p; Hannay J. The Intertextuality of Fate A Study of Margaret Drabble. University of Missouri Press Columbia, 1985. – 122 p; Amodio B.A.S. The Novels of Margaret Drabble: Contradictory, Hallucinatory Lights. DAI, 41, 2116A (Univ. of Michigan) 1980. – 216 p; Saylor R.D. Moral Development and Fictional Technique in the Novels of Margaret Drabble. DAI, 43, 454 A-55A (Univ. of Houston) 1982. – 149 p; Stephens E.D.B. The Novel of Personal Relationships: A Study of Three Contemporary British Novelists. DAI, 38 (1977), 290A-91A (Emory Univ.) – 489 p; Schmidt D., ed. Margaret Drabble: Golden Realms. Living Author Series #4. Edinburg, Tex:Pan American Univ., 1982. – 195 p; Moran M.H. Margaret Drabble: Existing with Structures. Carbondale, Ill.: Southern Illinois University Press, 1983. – 133 p; Roxman S. Guilt and Glory: Studies in Margaret Drabble's Novels 1963-1980. Stockholm: Almqvist & Wiskell, 1984. – 277 p.

номли илмий асарларида Маргарет Дрэббл ижодини мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёш инглиз йигит-қизларининг ички дунёсини тасвирлаш асосида 60-йиллар ёшларининг норозилигини ўз романларида акс эттирган адиблар Пирс Пол Рид ва Жулиан Митчелл ижоди билан қиёсий таҳлил қилди. Рус тадқиқотчилари томонидан эълон қилинган қатор илмий мақолаларда М. Дрэббл ижодининг илк даври қамраб олинган. Г.Анджапаридзе, Е.Гениева, И.Мороз, А.Пирузян, Л.Ржанская, С. Дубовик, Н. Ольшанская, А. Благовещенская ва Т. Филимоновалар³ ёзувчининг илк ижодида тасвирланган инглиз жамиятининг ижтимоий муаммолари, ижодининг асосий босқичларини илмий асослаш ва ҳар бир босқични белгилаб берувчи «асосий стилистик белгиларни», яъни стилистик доминанталар, қахрамонларнинг интеллектуал ва ахлоқ эркинлиги масалалари бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Аммо уларнинг илмий тадқиқотларида аёл образи ва унинг ижтимоий мақомининг ўзига хослиги ўрганилмаган.

Ўзбек адабиётшунослигида М. Холбеков, М. Бақоева ва Э. Муратова каби олимлар мақола ва ўқув қўлланмаларида XX аср инглиз адабиётини қисман тадқиқ этишган⁴ Лекин замонавий инглиз адабиётига, хусусан М. Дрэббл ижодига бағишланган махсус тадқиқотлар шу кунгача мавжуд эмас.

Маргарет Дрэббл ижоди чет эл адабиётшунослари томонидан қанчалик кўп ўрганилганлигига қарамай, ундаги аёл образи алоҳида тадқиқот объекти сифатида танланиб, унинг ижтимоий мақоми тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаган. Аёл образи ва ижтимоий мақомининг ўзига хос ва фарқли хусусиятлари алоҳида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Адабий алоқалар», «Қиёсий адабиётшунослик», «Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи», «Хорижий адабиётшуносликнинг долзарб масалалари», «Замонавий хорижий адабиёт», «Адабий танқидчилик тарихи» курсига алоқадор бўлган мавзудаги илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ равишда олиб борилди.

³ Ольшанская Н.Л. Стилистические особенности современного английского психологического романа (на материале произведений М.Дрэббл и Сьюзен Хилл). Автореф. дисс. канд. филолог. наук. Одесса, 1986; Благовещенская А. А. Своеобразие стиля художественной прозы Маргарет Дрэббл 1960-70-х годов. Дисс. канд. филолог. наук. Казань, 2004; Филимонова Т В. Проблемы интеллектуальной и нравственной свободы в творчестве Маргарет Дрэббл 1960-х годов. Дисс. канд. филолог. наук. Санкт-Петербург, 2009; Анджапаридзе Г. Маргарет Дрэббл и её «рассерженные молодые женщины» //Дрэббл М. Одинлетний сезон. М.: Прогресс, 1972 . – С. 186; Гениева Е. Ю. Маргарет Дрэббл – литературный критик // Иностранная литература. 1974. № 10. – С. 270; Дубовик С. М. Проза Маргарет Дрэббл: этапы развития. Автореф. дисс. канд. филолог, наук. М.: МГУ, 1987. – 15 с; Ржанская Л. Путь паломницы Маргариты, или последний роман Маргарет Дрэббл, в контексте эволюции её художественного мира//Диапазон.1994. №2. – С. 21-25; Пирузян А. Палитра творчества Маргарет Дрэббл//Диапазон, 1992. №2-3. – С. 29-31; Мороз И. Маргарет Дрэббл. Один летний сезон//Новый мир. 1973. № 3. – С. 285-286.

⁴ Холбеков М. XX аср модерн адабиёти манзаралари. Мақолалар тўплами. – Т.:”Мумтоз сўз”, 2014. – 386 б; М.Бақоева, Э. Муратова, М. Очилова. English Literature. Ўқув қўлланма. – Т.: 2010. – 263 б.

Тадқиқотнинг мақсади Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва ижтимоий мақомининг ўзига хослигига таъсир этган муҳим омилларни аниқлаш ва асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XX аср иккинчи ярми инглиз адабиётининг шаклланишига таъсир этган адабий йўналишларни аниқлаш;

XX аср инглиз адабиётида аёл образини тасвирлашдаги муҳим омилларни исботлаб бериш;

инглиз адабиётида ёзувчининг новаторлигини таҳлил этиш мақсадида М. Дрэббл ижодининг биографик, адабий ва ижтимоий омилларини аниқлаш;

адиба ижодида аёл ижтимоий мақомининг ўзига хослигини белгиловчи хусусиятларни кўрсатиб бериш;

Маргарет Дрэббл асарларининг тили ва услубидаги асосий белгиларни аниқлаш ва исботлаб бериш.

Тадқиқотнинг объектини XX аср 2 ярми инглиз адабиётининг йирик ёзувчиси Маргарет Дрэббл прозаси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Маргарет Дрэббл романларида тасвирланган аёл образи ва ижтимоий мақомининг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усулларини қиёсий-тарихий, биографик, психологик ва ижтимоий методлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Маргарет Дрэббл ижодига викториан давр адабиёти, XX аср иккинчи ярми инглиз адабиётида шаклланган «ўпқаланган ёшлар» гуруҳи ижоди, ишчилар романи, «тор доира»даги мавзуларга урғу берган бадиий асарлар, аёллар насри ва психологик роман хусусиятлари таъсир этганлиги асосланган;

инглиз адабиётида вужудга келган аёлнинг янги образи ёзувчи қаҳрамонларининг шаклланишига таъсир ўтказгани ва мавзулари кўламини таъминлаб берганлиги исботланган;

аёл образининг шахс сифатида гавдаланиши ва асарларда унинг ижтимоий мақоми ошганлиги далилланган;

Маргарет Дрэбблнинг «Қизил либосли қиролича» романи асосида Шарқ аёлининг маданий хусусиятлари аниқланган, асарда гавдалантирилган аёл образи ёзувчи ижод маконининг кенгайганлиги ҳамда адибанинг аёлга шахс сифатида ёндашганлиги исботланган;

Адиба бадиий маҳоратини белгиловчи бадиий тасвир воситалари саналган метафора ва аллюзияларнинг, асар ғоясини ифодалашда, образларни ишончли тасвирлашда бадиий деталлар бўлмиш психологик, пейзажли, маданий деталларнинг ва қаҳрамонларнинг руҳий оламини очиб берувчи рамзларнинг юксаклиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари бакалавр босқичининг хорижий тил ва адабиёт йўналишида таълим олаётган талабалар учун тили

ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти тарихи дарсларида ушбу давр адабиётини чуқур очиб беришга хизмат қилади.

Шу билан бирга магистратура босқичи адабиётшунослик йўналишларида таълим олаётган талабалар учун қиёсий адабиётшунослик, хорижий адабиётшунослигининг долзарб масалалари, замонавий хорижий адабиёт ва жаҳон адабиёти дарсларида бадиий асар таҳлилида образни тўла қонли очиб бериш ва бадиий таржималарда миллий-маданий хусусиятларни ёритишда муқобил вариантларни танлаш имкониятлари яратилди ва хизмат қилиши таъминланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот натижаларининг илмий объектига ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танлаб олинган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметида мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар қиёсий-тарихий, биографик, психологик ва социологик методлари воситасида чиқарилгани, назарий қарашлар ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жаҳон адабиётида вужудга келаётган янги тенденциялар, адабий шакллар ва мавзуларнинг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзбек адабиёти ривожига қай даражада таъсир этаётганини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти инглиз адабиётида яратилган асарларнинг мазмуни, ғоялари, табиатини қиёсий ўрганган ҳолда улар орасидаги мазмуний-услубий мувофиқлик ҳолатларини аниқлаш ва бадиий асарларда образ таҳлили инглиз маданий хусусиятларини кўрсатиб бериш учун замин ҳозирлайди. Образларни тадқиқ этиш, инглиз ёзувчиларининг ўз замонасини қизиқтирган, замондошларининг хаёлини банд этган масалаларга хилма-хил тарзда жавоб бериш усуллари асосида ўрганиш натижалари ва эришилган илмий хулосалар адабиётшунослик истиқболини белгилашда муҳим аҳамият касб этади ва замонавий инглиз адабиёти намуналарини тадқиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни изчил амалга оширишга имкон туғдиради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маргарет Дрэббл асарларида аёл образи ва ижтимоий мақомининг ўзига хослиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Маргарет Дрэббл романларидаги образлар тизими ва адибанинг поэтикасига оид хулосалардан «Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир» фундаментал илмий тадқиқот вазифасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 апрелдаги 3/1255-818 сон маълумотномаси). Натижада образларнинг асарлар кесими асосида аниқланиши, ёзувчининг бадиий тасвир воситалари ва усуллар орқали образлар хусусиятларини ёритиб бериши мумкинлигига оид замонавий адабиётшунослик талабларидан

келиб чиқиб билдирилган фикрлари тадқиқот мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Маргарет Дрэббл асарларида яратилган аёл образи ва унинг ижтимоий мақомини аниқлаш ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг давлат адабиёт музейида ташкил этилган «Ўзбек ва дунё адабиётида умумбашарий мавзулар» номли экспозицияни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 апрелдаги 3/1255-818 сон маълумотномаси). Натижада ўқувчи ва томошабинларга инглиз маданияти ва асар таржималари, инглиз аёли образи ва унинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги қимматли маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратган;

Маргарет Дрэббл ижодидаги аёл образи унинг шахс сифатида шаклланиш масалалари, адиба асарларининг умумбашарий қийматига оид илмий материаллардан «Маданият ва маърифат» телеканалидаги «Дунё адабиёти» кўрсатувининг бир қатор сонларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2018 йил 11 январдаги 02-16/17-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижаларининг эфирга узатилиши мамлакатимиз аҳолисини инглиз адабиётининг замонавий намояндаси Маргарет Дрэббл асарлари билан чуқурроқ таништириш, уларда акс этган гуманизм ғояларини тарғиб этишга, маънавий маданиятни шакллантиришга хизмат қилган;

Маргарет Дрэббл романларида яратилган аёл образи ва унинг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар Ойбек уй-музейида ташкил этилган «Ойбек таржимон» бўлимини ва музейнинг илмий-ёрдамчи фондини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 18 июндаги 01-11-008-4245 сон маълумотномаси). Натижада Маргарет Дрэббл ижодида мавжуд бўлган образлар хусусиятлари Ойбек асарларида яратилган қаҳрамонларнинг ўхшашлигига боғлиқ муҳим материаллар ўзбек адабиётининг янги қирраларини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 2 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 2 та халқаро, 10 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 177 саҳифадан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тасвирланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XX аср иккинчи ярми инглиз адабиёти контекстида Маргарет Дрэббл ижоди**» деб номланади. Мазкур бобда ҳозирги замон инглиз адабиётининг таниқли ёзувчиси Маргарет Дрэббл ижоди, унинг эстетик қарашлари, адиба ижодига таъсир кўрсатган омиллар ва адабий танқидшуносликда адиба ижодига берилган муносабат ўрганилган.

Урушдан кейинги давр инглиз адабиёти майдонига мамлакат келажагига хавф солувчи мусибатлар ва уларнинг оқибатларидан хавотирга тушган кўплаб ёш ёзувчилар кириб келди. Н.Б.Колесникова 50 йилларни «эски бадий тасвир услубига, айнан инглизона услубга қайтиш» даври сифатида таърифлайди⁵. Адабиётшунос Д.Урнов эса 60 йилларни «инглиз адабий ҳаётида аниқ йўналишларнинг барҳам топиш» даври⁶ деб ҳисоблади. Унинг фикрига кўра, ўтмишнинг «тор доира»даги адабиётга қизиқиш орта бошлайди. Аввал китобхонларнинг қатта қисми учун зерикарли ва кўзга ташланмаган ёзувчилар танила бошлайдилар, уларнинг ижоди нафақат китобхонлар эътиборини, балки адабиётшунослар эътиборини ҳам тортди. «Тор доира»даги адабиётнинг намояндalари саналмиш Жейн Остен, Энтони Троллоп кабиларнинг ижоди жиддий аҳамият касб эта бошлади. Инглиз адабиёти гўёки унутилган сиймоларни ва ижоднинг янги қирраларини кашф қила бошлади. Ушбу ёзувчилар ижодининг адабий жараёнга таъсири сезилди. Урушдан кейинги авлодга мансуб кўплаб инглиз ёзувчилари XIX аср адиблари ижодининг ўрганилмаган қирраларини тадқиқ қилдилар.

Таъкидлаш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида инглиз жамиятида вужудга келган муаммолар адабиётда ҳам акс этди. Мана шу даврда адабиётга кириб келган ёш ёзувчилар ижодида ижтимоий инглиз прозасининг хусусиятлари намоён бўлди, унинг таъсири ўрганилди.

Замонавий ёзувчиларнинг XIX аср инглиз адабиётга бўлган эътибори романларда воқеликни тасвирлаш имкониятларининг кенглиги билан изоҳланди. Модернизм йўналишида ижод қилган ёзувчилар ўтмиш намуналаридан «воз кечиш»га уринган бўлсалар, XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган ёзувчилар XIX асрнинг буюк намояндalари бўлмиш Ч.Диккенс, У.Теккерей, опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот ва ижоди кам ўрганилган Жейн Остен ва Энтони Троллопларнинг асарларисиз ўз ижод

⁵ Колесникова Н.Б. Литература Великобритании и США: Уч. пособие. – М.: МАКС Пресс, 2000. с. 115.

⁶ Урнов Д. Основные тенденции в современной литературе Англии и США//Иностранная литература. 1979. № 10. – С. 201-214.

намуналарини ярата олмадилар. Ҳозирги замон адиблари учун XIX аср ва XX асрнинг таниқли ёзувчилари Хенри Жеймс, Томас Харди, Арнольд Беннетт, Жон Голсуорси, Херберт Уэллс асарлари ҳам қатта аҳамият касб этди. Бир сўз билан айтганда, XX асрнинг иккинчи ярми инглиз адабиёти XIX ва XX асрнинг биринчи ярми классик адабиётига маънавий яқин бўлиб, кўп жиҳатларни ўзида акс эттирди. XX аср иккинчи ярми ёзувчилари ижодида викториан адабиёти хусусиятлари мавжудлиги кўзга ташланди. Америкалик адабиётшунос ва ёзувчи Малькольм Брэдбери замонавий инглиз адабиётига бағишланган тадқиқот ишларида ижодига викториан прозаси таъсир ўтказган ёш адибларни санаб ўтади⁷. Энгус Уилсон ва Маргарет Дрэббл, Марина Уорнер ва Дэвид Лож, Грехэм Свифт ва Питер Акройд ижодида викториан адабиёти таъсири сезилади деб ёзади муаллиф. Инглиз адабиётшуноси ва ёзувчиси Энгус Уилсон ўз тадқиқотларида викториан романида «бугунги кунда йўқолган ахлоқ негизи» мавжудлигини таъкидлаб ўтади⁸. Бу мулоҳаза кўплаб ёш инглиз адибларининг нуқтаи назарини ифодалади. Маргарет Дрэббл Э.Уилсоннинг фикрига қўшилган ҳолда «Биз викторианларга ҳавас қиламиз, уларда ҳозирги замонда мавжуд бўлмаган тамойиллар бор эди» деб қайд этади⁹. Аъналарга, ўтмишни англашга мурожаат этиш замонавий Ғарб адабиётининг адабий ҳолатини белгилайди. Маргарет Дрэббл ижодида викториан даври адабиётига хос бўлган ўхшашликлар мавжуддир. XX асрнинг 60-йилларида Ғарб ёшлари жамиятда мавжуд ҳаёт тарзи, маънавий қадриятлар билан чиқиша олмадилар, унга қарши шиддатли, кутилмаган танқидий муносабат билдирдилар. XX асрнинг 50-йиллар охири ва 60-йиллар боши турли ижтимоий ўзгаришлар даври бўлди. Инглиз ёшлари иккиюзламачиликка, аънавий ахлоқ ва инсон зулмига, бир хил ҳаёт тарзига, жамиятнинг эскирган маънавиятига қарши исён кўтардилар. Бундай вазият инглиз адабиётида турли адабий йўналишларнинг шаклланишига туртки бўлди. Адабиётшунос В.Ивашеванинг фикрига кўра, «Буюк Британияда 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида нашр этилган энг яхши намуналар ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, инглиз жамиятини хавотирга солган долзарб муаммоларни кўтариб чиқди»¹⁰. Халқаро майдондаги муаммолар билан боғлиқ бўлган мураккаб ўтиш даври ўзидан сўнг ҳосил қилган бўшлиқни ва йўқотилган хотиржамликни қайтариш мақсадида ёзилган асарлар билан тўлдирилиши натижасида яқун топди.

Ҳозирги замон инглиз адабиётида Маргарет Дрэббл серқирра адибалардан бири бўлиб келмоқда. У нафақат инглиз прозасига балки адабий танқид ва биография жанрига ҳам салмоқли ҳисса қўшган ижодкордир. Унинг романлари инглиз адабиётидаги аёллар насрини бойитди ва шакллантирди.

Маргарет Дрэбблнинг асарларида ёритилган мавзу турфа хиллиги ва ёритилган муаммоларнинг жамият учун нақадар аҳамиятлилиги билан

⁷ Bradbury M. The Modern British Novel 1878-2001. – London: Penguin Books, 2001. p. 224.

⁸ Drabble M. Angus Wilson: A Biography. – St. Martin's Press, 1997. p. 458..

⁹ Ўша манба, p.570.

¹⁰ Ивашёва В.В. Литература Великобритании XX века. – М.: Высшая школа, 1984. с. 401.

ажралиб туради. Адибанинг романлари мулоҳазага ундовчи ва шу билан бирга адабий тарих ва анъаналардан дарак берувчи нафисликга эга. Шу боис М. Дрэббл романлари нафақат китобхонларнинг балки адабиётшуносларнинг ҳам эътиборини тортди. Маргарет Дрэббл инглизлар ҳаёти, интеллектуал ва адабий ҳаётда фаол иштирок этувчи ва давр муҳитининг маданиятини асарларида ёритган истеъдодли ёзувчидир. У ўзи кўтарган муаммоларга ва саволларга бир ёқлама қарамайди, аксинча улар ҳал қилиниши учун бир неча имкониятлар яратади. М. Дрэббл инкор этиб бўлмайдиган заковатли, жиддий ва ҳатто ўз дунёқарашида анъаналарга чуқур асосланади. Ёзувчининг илк романларидаги психологик тассурот, ўзига хос ёрқин хусусиятлар ва ҳаётий қаҳрамонларнинг овози, оддий ҳаёт деталлари унинг эстетик қарашларида акс этган.

XIX аср инглиз романи анъаналарини XX аср ҳодисаларига мос келган ҳолда қайта яратиш мақсади ҳозирги замон инглиз романининг ўзига хос муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. XIX аср инглиз романи анъаналарининг хусусиятлари М. Дрэббл ижодининг илк даврида яратилган асарларида кўзга ташланди ва романларида модернизм ва урушдан кейинги даврга хос бўлган экспериментализмга бўлган салбий муносабат кузатилди. 1967 йил берган интервьюсида ёзувчи «Мен янги кириб келаётган анъанага нисбатан йўқолиб бораётган анъананинг охирида бўлишни маъқул кўраман» деган фикрни билдирди¹¹. 1950 йилларда Кэмбриж университетида фаолият юритган адабиётшунос Ф.Р.Ливиснинг кучли таъсири М. Дрэбблнинг адабиётшунос бўлишига хизмат қилди. Ф.Р.Ливис ижтимоий ва маънавий роман инсон масъулияти ҳиссини оширадиган анъанавий шакл деб ҳисоблади ва бадиий асарга «ҳаётга тайёрловчи маънавий куч» деб таъриф берди. М. Дрэббл унга қўшилган ҳолда романи «ҳаёт китоби» деб атади.

Ёш ёзувчи сифатида М. Дрэббл Ф.Р.Ливиснинг Жейн Остенга бўлган эътиборини ўрганди ва унинг ижодига хос бўлган «ижтимоий снобизм» мажбурият эканлигини англади. Хенри Жеймс ижодининг нафислигини ўрганган адиба унинг чегараланганлигини тушунди. М. Дрэбблнинг фикрига кўра, буюк анъана ривожига ҳисса қўшганлардан бири Арнольд Беннеттдир.

М. Дрэбблнинг Ж.Элиот ва А.Беннетт ижодига бўлган эътибори ёзувчиларнинг оддий ҳаёт ва оддий инсонларга бўлган ҳурмати билан боғлиқлигидадир. М. Дрэббл «А.Беннеттнинг оддий инсонлар ҳақидаги тасаввурини сиз Виржиния Вульфда топа олмайсиз, А.Беннетт эса сизга В. Вульф билмаган нарсаларни айта олади» деб алоҳида таъкидлайди¹². А. Беннеттдаги «оддийлик»га бўлган эътибор М. Дрэбблда ҳам учрайди. Адибанинг асарларидаги хулқ атвор ва урф-одатлар, тасвирлар қурилиши ва деталлар ҳақидаги чизгилар ёзувчи илғаб олиши шарт бўлган оддий дунёнинг фундаментал, ижтимоий ва тарихий жараёнлари асосида вужудга келган инглиз романи хусусиятларидир. М. Дрэббл А.Беннетт ва Уордсвортнинг услуби «ҳар кунги воқеаларни тасвирлаш маҳорати»да

¹¹ Creighton, J. V. Margaret Drabble. /J. V. Creighton. – N. Y.: Methuen, 1985. – p. 25.

¹² Ўша манба. с. 26.

шаклланганлигини ва ўзи ҳам шу услубга риоя қилишини билдиради¹³. А.Беннетт каби М.Дрэббл ҳам моддий маконга – қаҳрамонларининг бир бўлаги бўлмиш уйларга, уларнинг ҳаётига чамбарчас боғланган табиат манзаралари ва осмонўпар биноларга эътиборини қаратади¹⁴. А.Беннетт асарларидаги мавжуд ҳаётнинг нафасини қадрлаган адиба В.Вульфнинг чегараланган тўқима макон ва инсон ҳаётини тасвирлашдан йироқ бўлди.

Маргарет Дрэббл учун Ж.Элиот романлари адабиётнинг юксак намунасини ўзида мужассам этади ва ўзини Ж.Элиот романлари қаҳрамонларидан бири деб ҳисоблайди. Ж.Элиотнинг «Флоссадаги тегирмон» романида инсон ҳар доим нима учундир жазоланади ёки бўлмаса маънавий ва жисмоний ожизлигидан, низолардан азоб чекади ва ташқи дунё шунга мувофиқ қаҳрамонларининг ички оламини акс эттиради. М.Дрэббл «Шаршара» ва «Олтин Иерусалимим» асарларида инсон тақдирини Ж.Элиот каби тасвирлайди.

М.Дрэббл асарларининг илдизи ижтимоий, ахлоқий характерга эга бўлган инглиз романига бориб тақалади. Унинг асарларида табиат ва макон муҳим аҳамият касб этади. М.Дрэббл ижодининг кучли генезиси ўз ўрнини излаш, яъни мос хулқ-атвор ва ҳаётни ўзида қамраб олади. М.Дрэббл викториан қадриятлари ва янги тарзда ҳис қилишнинг салбий тарафларини тасвирлайди. Адиба ривожланиб бораётган мураккабликлар қаршисида яхлит инсон сифатида яшаш ва замонавий ҳаётнинг инсонга бўлган шафқатсизлигига урғу беради. Унинг асарлари жамият, синфлар, табиат ва инсонга хос бўлган ҳаёт тарзи ҳақида бўлиб, романтик меъёрни сақлай олиш маҳорати ва унда соғлом фикрнинг мавжудлигини кўрсатади. Ёзувчи ижодида ҳамма нарсанинг ўзаро боғлиқлиги, яъни инсоннинг ожизлиги ва унинг мукамалликдан йироқ эканлигини кўрсатиш, ҳаётни бир лаҳзада кузатиш ва уни бутун ҳолда кўриш юпанч вазифасини бажаради. М.Дрэббл асарларида анъанавийлик ва замонавийлик, буюк анъана, бадийлик ва реаллик борасидаги қарашлари ўз аксини топган. М.Дрэббл асарларида аллюзия турли характер белгиларини ўзида мужассамлаштирган «кундалик сўзлашуви» мавжуддир. Ёзувчи асарларида ифода этилган илк таассуротлар моҳирлик билан ёзилган. Фокс Женовис адибага хос «урф бўлган услубдан фойдаланаётганлигини» танқид қилса-да, моҳирона фойдаланилган метафора ва аллюзияларни «бадийлик аломати» деб атайди¹⁵. Адабиётшунос Ж. Крейтон ёзувчининг метафорик ва кинояли тили унинг асарларига нозик дид ва чуқур маъно касб этишда ўз ҳиссасини қўшганлигини таъкидлайди¹⁶.

Маргарет Дрэббл янги адабий йўналишларга эргашмайди, аксинча ўзи англаган адабий анъанага риоя қилади. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган воқеаларни асарларида моҳирона тасвирлаб, инглиз адабиётида турфа хил

¹³ Interview with Diana Cooper-Clark, "Margaret Drabble: Cautious Feminist," *Atlantic Monthly*, 246 (November 1980), p. 72, 75.

¹⁴ Drabble, M. *Arnold Bennet*. London: Weidenfeld & Nicolson, 1974. p.31.

¹⁵ Fox-Genovese E. *The Ambiguities of Female Identity: A Reading of the Novels of Margaret Drabble/Partisan Review*. 1979. №2. – P. 234-48

¹⁶ Cooper-Clark D. Interview with Diana Cooper-Clark. *Margaret Drabble: Cautious Feminist/ Atlantic Monthly*. 1980. №2. – P. 74.

зиёли аёллар образларини яратиб аёллар насрининг ривожланишига ҳисса қўшиб келмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маргарет Дрэбл ижодида ғоя ва мавзунинг ўзига хослиги**» деб номланади. XX аср инглиз адабиётида аёл мавзуининг кенг ёритилишини юзага келтирган омиллар, уларнинг ижтимоий илдизлари ва феминизмнинг таъсирида шаклланган аёл образи қирралари ҳақида фикр юритилган.

XX аср инглиз жамиятида содир бўлган ижтимоий ўзгаришлар, миллатнинг аёлга бўлган муносабатини ўзгартирди. XX асргача бўлган даврда инглиз адабиётшунослари аёл ўзи ким? деган саволга учта изоҳ: яъни аёл мавқеи, аёл шахс сифатида ва аёлга берилган таъриф билан жавоб беришди. Инглиз файласуфлари Жеймс Бранч Кейбл, немис файласуфи В.Гегель ва австриялик психиатр З.Фрейд томонидан аёлга турлича ёндашишлар кузатилди. Таъкидлаб ўтилган файласуфлар аёлнинг шахс сифатида намоён бўла олмаслигини яққол акс этди.

1912 йилда инглиз тадқиқотчиси М.Кулиж аёлларга хос бўлган феъл-атвор хусусиятларини очиб берувчи факторларни изоҳлади. Тадқиқотчи аёл факторларини ўрганишда гендер масаласига мурожаат қилиб, «латофатли аёл» стереотипини вужудга келтирди. У аёлнинг учта факторини яъни аёлнинг итоаткорлиги, итоаткорлик биологик хусусият эмас, асрлар давомида хукмронлик қилган кадриятлар ва урф-одатлар натижасида шаклланганлигини асослади.

Веналик психолог доктор Адлер, М.Кулиж фикрига қўшилган ҳолда аёл ўзини эркин инсон сифатида намоён қилиши узоқ вақтни талаб қилишини таъкидлади. Тадқиқотчи Дора Марсен «Канизаклар» (Bondwomen) номли мақоласида аёллик латофати ижтимоий ўринни белгилаганлиги боис уни қайтадан яратиш мумкин деб ҳисоблади. Аёлнинг турлича стереотипларини ўзгартириш учун аёллар тенглик туйғусини ҳис қилишлари шартлигини таъкидлади. Тарихчи Эллен Глазгоу эса аёлларнинг ёлғон стереотипи кўпчилик хотин-қизларнинг нотўғри ҳаёт тарзига риоя қилиш одатини ўргатди деб ёзади. Аёллар ҳақидаги анъанавий фикрларнинг ўзгариши мураккаб жараён эмас эди, аксинча аёлларнинг эркаклар истаган идеал аёл намунасига риоя қилишга рўйхушлик беришлари ва натижада тафаккурларининг шунга монанд ўзгарганлиги билан боғлиқ эди.

XX асрда содир бўлган ўзгаришлар айниқса, саноат соҳасидаги ривожланиш кўплаб аёлларга ишлаш имконини берди. Аёлларнинг саноатда фаолият олиб боришлари натижасида инглиз аёлининг анъанавий ўрнидан воз кечиши кераклиги вужудга келди. Вақт ўтиши билан юз берган ўзгаришлар «янги аёл» тушунчасини шакллантирди. Замонавий аёлнинг муҳим мақсадларидан бири бу иқтисодий ва молиявий эркинликка эришиш эди. Бу эркинлик ўзи билан бирга бошқа ҳуқуқларни ҳам олиб келди. «Янги аёл» учун энг муҳими бу ақл-заковат эркинлиги эди. Аёллар ўз қобилиятларини намоён этиш ва шу йўлда ақл-идрокларидан фойдаланиш йўллариини изладилар, шу орқали ўзликларини топишга ҳаракат қилдилар.

Янги аёлнинг бундай хатти-ҳаракатлари ёзувчилар учун ҳам катта манба бўлиб хизмат қилди.

Аёл дунёсини тасвирлаш турмуш тарзининг ўзгаришларини бошқача тарзда ифодалаш услубларини очиб берди ва замоний шахснинг бошқа жиҳатларини кўрсата олди.

XX асрнинг иккинчи ярмида дунёга янгича гендер қараш кузатилди. Бундай янгича қараш аёл нуқтаи назаридан танлаш принципи ва ўз даврининг зарур муаммоларини ёритиш, уларнинг янгича ечим топишини ўз ичига олди. Ёзувчилар ўз ижодларида асрлар давомида эркаклар устун жамиятда аёл шахси, унинг ақли ва истеъдодига менсимай қаралган анъанавий англашнинг парадигмасини ўзгартирдилар. Аёлнинг ижтимоий-профессонал ролини, унинг иқтисодий эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий мақом эволюцияси эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар характерини биринчи ўринда оилада ўзгартирди. Аёл ўз имкониятлари, эҳтиёжларини янгича баҳолай бошлади, турмушнинг турли соҳаларида эркак ва аёлнинг имкониятлари, ҳуқуқлари ва тенглиги содир бўла бошлади.

XX аср инглиз адабиётида ижодкорларнинг аёл мавзусига ёндашуви аёлга шахс сифатидаги муносабатларида кузатилди. Асрнинг биринчи ярмида аёл мавзуси янги аёл образининг турли характерлари орқали ифодаланди. Асосан унинг қобилиятлари ва қизиқишлари образларда очиб берилди. Роман жанрида *Виржиния Вульф*, драма жанрида *Бернард Шоу*, ҳикоя жанрида *Кэтрин Мэнсфилд*, детектив жанрида *Агата Кристи*лар аёлнинг қобилиятларига урғу бердилар ва жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши лозимлигини таъкидладилар. XX асрнинг иккинчи ярмида бу мавзуга ёзувчиларнинг ўзгача ёндашувлари кузатилди. Бу ёндашув аёл мавзуси доирасининг ва ифода услубининг кенгайишини таъминлади.

Маргарет Дрэбл ҳам замондош ижодкорлар каби бу мавзуни ўзига хос тарзда ўз ёндашуви ва услуби орқали ифодалади. Феминизм оқимининг вужудга келиши натижасида тарбиявий роман элементлари адибалар ижодида ҳам кўзга ташланди. Адабиётшунос олима *Эстер Лабовиц* аёллар прозасида тарбиявий роман элементларини ўрганди ва *Дороти Ричардсон* (1873-1957), *Симона де Бовуар* (1908-1986), *Дорис Лессинг* (1919-2013), *Криста Вольф* (1929-2011) романлари ушбу жанрга хослигини таъкидлади¹⁷. Романларнинг бош қаҳрамонлари саналмиш аёлларнинг саёҳати автобиографик асосга эга бўлиб, қобилиятларининг рўёбга чиқиши, таълим олиш, аёллик вазифалари ва ижодкорлик масалалари муҳим ўринни эгаллади. *Э. Лабовиц* аёллар прозасидаги тарбиявий романнинг аёл қаҳрамони ўзида «янги аёл» характери хусусиятларини мужассамлаштиради, улар ҳаёт йўлларида қоқилсалар-да, ўзлигини англашга интиладилар ва бунга эришадилар ҳам, дея изоҳлайди. Тарбиявий роман жанри XX аср инглиз

¹⁷ Labovitz E. The Myth of the Heroine: The Female Bildungsroman in the Twentieth Century: Dorothy Richardson, Simone de Beauvoir, Doris Lessing, Christa Woolf. – New York: Peter Lang, 1988. p. 109.

адабиётида аёл мавзусини теранроқ очиб беришга хизмат қилди. Аёл романларнинг асосий қаҳрамони сифатида тасвирлана бошлади.

XX асрнинг иккинчи ярмида аёл мавзуси феминизмнинг иккинчи оқими таъсирида адиблар ва адибалар ижодида турли ракурсларда тасвирланди, характерлари ранг баранг аёл образлари яратилди. Инглиз ёзувчилари янги замонавий адабий йўналишларда ижод этдилар, асарларининг ҳар бирида тарбиявий роман жанрининг элементларидан фойдаландилар. Айрис Мэрдок, Дорис Лессинг, Ян Мак Юан, Мартин Эмис ва Фей Уэлдон романларида жанрнинг элементлари аёл образининг мукамал яратилишига ҳисса қўшди.

Маргарет Дрэббл ижодида тарбиявий роман жанрининг элементлари аёл мавзусини ўзига хос равишда ёритишга хизмат қилди. Инглиз адабиётшунос олимаси Маргарет Жулет «Ўрта ёшлилар романининг кашф этилиши: Сол Билоу, Маргарет Дрэббл, Эн Тайлер ва Жон Апдайк» (Safe at Last in the Middle Years. The Invention of the Midlife Progress Novel: Saul Bellow, Margaret Drabble, Anne Tyler, and John Updike) номли илмий асарида тарбиявий роман жанри Маргарет Дрэбблга аёл мавзусини ёритишда асар шакли сифатида хизмат қилади, бу жанр адиба учун адабий шаклга айланганлигини кўрамиз деб ёзади¹⁸. Адиба яратган турли ёшдаги аёллар образлари учун саёҳат муҳим саналади, улар саёҳат қиладилар, саёҳат уларга ҳам руҳан, ҳам жисмонан кучли бўлишга ёрдам беради, уларнинг ўзлигини топишга, тушунишга етаклайди. М.Дрэбблнинг «Тегирмон тоши» асарида ёш шоира ва олима Розамунд Стейсининг оналик туйғусини англашига тўққиз ой давом этган «саёҳат» ёрдам беради. Асарда саёҳат сўзи кўчма маънони ифодалайди ва қаҳрамоннинг оналикни тушунишида шакл вазифасини ўтайди. Саёҳат давомида Розамунд Стейси ҳам руҳан, ҳам жисмонан оналикнинг моҳиятини англайди. Натижада аёл учун фарзанд бебаҳо эканлиги, оналик масъулияти эса нақадар кучли туйғу эканлиги аён бўлади.

Адибанинг кекса ёшдаги аёл қаҳрамонларига саёҳат руҳий куч беради. Уларнинг ташқи кўринишлари ўзларини қониқтирмаса-да, улар қалбан кучли, иродали инсонлардир. Ёзувчининг «Бебаҳо дунё» романи қаҳрамони Френсис Уингейт археолог олима. Асар бошида у оиласидан, фарзандларидан узоқда тадқиқоти устида ишлайди. Френсис ўзга давлатда, меҳмонхонада ёлғиз яшайди, бўш вақти қолди дегунча оиласини, фарзандларини соғинади. Шундай бўлса-да, у тадқиқотининг муҳимлигини ҳам англаган аёлдир. Иши юзасидан Френсис кўп давлатларга саёҳат қилади, илмий конференцияларда чиқишлар қилади. Саёҳат давомида аёлга руҳан куч берадиган манба бу фарзандларининг, оиласининг мавжудлигидир. Улар жисман узоқда бўлсалар-да, аёлга уларнинг боғлиқлиги катта руҳий кучдир, улар Френсиснинг ажралмас қисмидир. Аёл қанчалик узоқда бўлса ҳам муаммолар гирдобидида қолса ҳам доимо оиласининг, фарзандларининг бағрига ошиқади. Унинг назарида аёлни кимдир кутаётгани муҳим. Ёзувчи

¹⁸ Gulette M. Safe at Last in the Middle Years: The Invention of the Midlife Progress: Saul Bellow, Margaret Drabble, Anne Tyler, and John Updike. – University of Carolina Press, 1988. p. 116.

асар сўнгида Френсисни оиласи бағрида тасвирлайди, Френсис оиласи билан оламни ёритиб туради.

Таъкидлаш лозимки, тарбиявий роман жанрини ташкил қилувчи саёҳат адиба асарларида икки хил, яъни ўз маъносида ва кўчма маънода ишлатилганлиги кузатилади. Саёҳат аёл мавзусини ўзига хос равишда бойитганлигига, аёлнинг маънавий оламини ёритишда унга руҳий ва жисмоний куч беришда фойдаланганлигига гувоҳ бўламиз.

Аёл мавзуси адиба ижодида аёллар ўртасидаги дўстлик ришталари ва оила аъзолари, яъни опа-сингиллар, оналар ва қизлар муносабатлари орқали ҳам ифодаланди. М.Дрэббл даврнинг маънавиятига, кадриятларига, унутилаётган ва шаклланаётган ахлоқ қоидаларига муносабатини қаҳрамонларнинг ҳаракатлари, дунёқарашини орқали тасвирлади. Ушбу мавзуларни ёритишда ёзувчи орттирган ҳаётини тажрибасига асосланди. Шу сабаб унинг асарларида биография, матн ва жамият орасидаги ўзаро боғлиқликни кузатишимиз мумкин. Инглиз адабиётшуноси Диана Купер-Кларк билан бўлган суҳбатда адиба ҳар қандай бадиий асар ҳаётга асосланган бўлиши лозим, асар қандай ҳаёт кечириш лозимлигини ёки қандай яшаётганлигимизни сўзлаши керак дейди¹⁹. Мана шундай асарларгина инсонга ҳаёт ҳақида маънавий озуқа беради, унга ниманидир ўргатади. Биография давр муҳитини, яъни аёлнинг асосий мажбуриятлари бўлмиш никоҳ, фарзанд кўриш, рўзгор ишларини эплаш ҳамда касбда муваффақиятга эришиш қабиларни ёритди ва аёлнинг бундай талаблари жамият томонидан асрлар давомида аниқланган ва шаклланганлигини кўрсатди. Шахснинг ўзига хослиги шахсий, ижтимоий, тарихий ва ғоявий контекстларнинг уйғунлиги асосида шаклланган. Уларнинг ҳар бири ўтмиш ва ҳозирги замон талабларига монанд ўзгарган. Шу боис ёзувчи учун қаҳрамонининг нима учундир курашиши муҳимдир.

Дугоналар мавзуси М.Дрэбблнинг илк ижод даврида яратилган асарларида учраса-да, 80-йилларга мансуб романларида, хусусан трилогиясида ва «Етти опа сингиллар» романида дўстлик ришталари аёллар учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги кўринади. Трилогиянинг уч китобида ўрта ёшдаги аёлларнинг нақадар яқин дугоналар эканлиги, бу риштанинг ёшлиқдан, яъни талабалик давридан буён давом этаётганлиги тасвирланади. Трилогиянинг биринчи асариданоқ уч аёлнинг яқин дугоналар бўлиши айтилади, ҳар қандай вазиятларда ҳам бу ришта узилмаслиги ва аёллар бир бирларига суянишлари ҳар бир образ томонидан эслатиб турилади. Учала аёл трилогиянинг асосий қаҳрамон сифатида гавдалантирилади. Уларнинг ҳар бири дугоналарининг оила аъзосига айланади. Фарзандлари, қариндошлари ва ҳатто ҳамкасблари ҳам уларнинг дугоналар эканлигини билишади ва муносабатларига ҳавас қилишади. Турли хил касб эгалари бўлишларига, бир бирларидан йироқда яшашларига қарамай, аёлларни ҳаётга, касбга бўлган муносабатлари бирлаштиради. Эътибор учала аёл учун дўстликнинг

¹⁹ Cooper-Clark D. Interview with Diana Cooper-Clark. Margaret Drabble: Cautious Feminist// Atlantic Monthly. 1980. №2. p. 74.

негизидир. Оиладагиларнинг, ҳамкасбларнинг эътибори дугоналарнинг бир бирига бўлган эътиборидан фарқ қилади. Дийдор аёлларга ҳаётни қадрлашга, ўзини ҳурмат қилишга, эъзозлашга, инсон сифатида яшаётганлигини тушунишга имкон беради. Улар дийдорлашганда кимдир уларни эшита олади ва зарур маслаҳатларни бера олади. Биз М.Дрэббл аёл мавзусини ёритишда ўз услубини шакллантирганлигини кўрамиз. Тарбиявий роман жанри унинг услуби эканлиги маълум бўлади. Аёл мавзуси адиба асарларининг асосий мавзусини таъминлайди, шу мавзу унинг бошқа муаммоларни ҳам ёритишида хизмат қилганлиги кузатилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Маргарет Дрэббл романларида аёллар образлари бадий талқини тамойиллари»** деб номланади. Маргарет Дрэббл романларида тасвирланган аёл образлари мисолида уларнинг ўзига хос хусусиятлари талқин этилади. Хотин-қизлар характерининг ўзига хос бўлган қирралари ёзувчи яратган уч гуруҳга мансуб аёллар образларида очиб берилган. Ёзувчи ижодидаги ўзига хосликнинг намунаси сифатида адибанинг «Қизил либосли қиролича» асарида Шарқ аёли образи хусусиятлари аниқланган.

Инглиз адабиёти аёллар насрида аёл ички оламининг руҳияти, унинг кайфияти, инглиз жамиятининг унга бўлган муносабатидаги ўзгаришлар кенг талқин қилина бошлади. Бугунги кун инглиз адабиётида Маргарет Дрэббл, Фей Уэлдонларнинг асарларида аёл образи ўзгача, янги қиёфада тасвирланди. Шу нуқтаи назардан М.Дрэббл ижодида яратилган аёллар образи катта аҳамият касб этди.

